O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 13 январ пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 9 (2306)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

## С.Қ.Хусеновни Бухоро вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Самойдин Қосимович Хусенов Бухоро вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

## Ш.М.Мирзиёевни Жиззах вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Шавкат Миромонович Мирзиёев Жиззах вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

## Э.М.Рўзиевни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Эркин Маҳмудович Рўзиев Самарқанд вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

## У.М.Мирзақуловни Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Уммат Маматқулович Мирзақулов Тошкент вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

## И.О.Бобожоновни Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Ислом Олимович Бобожонов Хоразм вилояти ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

## РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЯГОНА КОРХОНА





*«Оҳангаронлинпласт» ҳиссадорлик жамияти республикамизда рангдор линолеумлар ишлаб чиқарадиган ягона корхона ҳисобланади. Устига устак, бу ерда тайёрланаётган бундай маҳсулотлар сифатли, яъни жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб беради. Шу боис харидорлар сони тобора кўпаймоқда.*

*Янги йилдан бошлаб корхонада «Кроплен» деган қурилиш ашёси, шунингдек, турли тусдаги плёнкаларни ҳам тайёрлашга киришилди.*

**СУРАТЛАРДА; аппаратчи Абдунаби Исоқов ва назоратчи Галина Лапина тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда; Баҳром Мадумаров энг илғор ишчилардан биридир.**

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

11-12 январ кунлари сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқаролар ташаббус гуруҳлари томонидан сайланган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда сиёсий партиялар фракцияларини, маҳаллий ҳокимият органлари депутатлари блокини, фуқаролар ташаббус гуруҳлари депутатлари блокини шакллантириш масалалари кўриб чиқилди. Фракциялар ва блоклар мажлисларида уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди, фракция ва блоклар раҳбарлари сайланди.

Ўтказилган мажлислар якунларига кўра, бешта сиёсий фракция ва иккита депутатлар блокини рўйхатга олиш масаласи парламент ихтиёрига ҳавола этилади. Уларнинг зиммасига қонунчилик фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам бериш, қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида аҳолининг кенг қатламлари фикрини эътиборга олинишини таъминлаш вазифалари юкланган.

Марказий сайлов комиссиясида фракциялар ва блоклар раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида депутатлар ишчи гуруҳи ташкил этилди. Марказий сайлов комиссиясининг матбуотда эълон қилинадиган қарорига мувофиқ, депутатлар Олий Мажлиснинг биринчи сессияси биринчи мажлисига Тошкент шаҳрида 21 январда йиғилади.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*
*Қ А Р О Р И*

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 81-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлиси 2000 йил 21 январда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси**

**Н. КОМИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти юксак лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан йўллаётган самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ўн йилдан ҳам камроқ вақт мобайнида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор, минтақавий ва халқаро ишларда юксак обрў-эътиборга сазовор давлат бўла олган замонавий Ўзбекистон эришган барча ютуқларни Россиядагилар Сизнинг номингиз билан боғламоқдалар.

Ишончим комилки, Ўзбекистондаги самарали учрашувларимиз чоғида эришилган аҳдлашувлар мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга кўмаклашади, бу муносабатлар стратегик шериклар ва иттифоқчилик, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ҳамда икки томон манфаатларини ҳисобга олиш тамойиллари асосида қурилмоқда.

Меҳмондўст республикангизда бўлган вақтимни ғоят илиқ хотиралар билан эслайман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, сиёсий умрбоқийлик ва бунёдкорлик фаолиятингизда янги-янги зафарлар тилайман.

Эҳтиром ила,

**В. ПУТИН,**
**Россия Федерацияси Президенти Вазифасини Бажарувчи**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганлигингиз муносабати билан Сизни сидқидилдан муборакбод этаман.

Сизнинг Президент сайловидаги ғалабангиз қардош Ўзбекистон халқи мамлакат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга, жамиятни демократиялаштиришга, теран ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилган йўлингизни қўллаб-қувватлаётганлигидан яққол далолат беради.

Озарбойжон ва Ўзбекистон халқлари кўп асрлик тарихий илдизлар билан боғланган. Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик, шериклик муносабатлари бундан буён ҳам халқларимиз манфаатлари, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида ривожланиб, мустаҳкамланаверади.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва давлат ишларидаги фаолиятингизга каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром ила,

**Ҳайдар АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сайловда ғалаба қозонганлигингиз муносабати билан самимий қутловларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз. Бу сайлов Сиз қардош ўзбек халқининг юксак ишончига сазовор бўлиб келаётганингизни яна бир бор тасдиқлади. Ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқли шериклик ва яхши қўшничилик давлатларимиз ўртасидаги муносабатларга хос бўлиб, бу муносабатлар икки қардош халқ олдида ишончли ва порлоқ истиқболларни очмоқда. Биз, Туркманистон аҳли, яхши англаймизки, Туркманистон-Ўзбекистон алоқалари кўп жиҳатдан Сизнинг, азиз Ислом Абдуғаниевич, манфаатдорлик билан муносабатда бўлишингиз ва эзгу иродангиз туфайли шундай ривож топди.

Сизни яна бир бор қутлайман ва мустаҳкам соғлиқ, давлат ишларидаги фаолиятингизга кўпдан-кўп муваффақиятлар тилайман.

Самимий ҳурмат билан,

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Азиз Ислом Абдуғаниевич!

Сизни, Ўзбекистоннинг тан олинган йўлбошчиси, Қозоғистоннинг содиқ ва ишончли дўсти ҳамда биродарини сайловдаги ғалабангиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Ўзбек халқи Сизга овоз берар экан, кучли, гуллаб-яшнаётган давлатни барпо этишга, барқарорлик ва бирликни сақлаб қолишга қаратилган ўзгармас сиёсат учун қалбан овоз берди. Халқ мамлакатнинг порлоқ орзу-умидлари, эзгу ўй-фикрлари фақат Сизнинг номингиз билан боғланганлигини яна бир бор тасдиқлади.

Қозоғистонликлар Сизнинг ғалабангизни қардошлигимиз рамзи, Қозоғистон-Ўзбекистон яхши қўшничилик муносабатларини, қалин интеграция алоқаларини янада мустаҳкамлаш гарови бўлмиш хайрли белги сифатида қабул қилдилар.

Биз бундан буён ҳам Ўзбекистон билан қўлни-қўлга бериб, қийинчиликларни бартараф этиб бораверамиз, зафарларга олиб борадиган йўлларни излайверамиз.

Азиз Ислом Абдуғаниевич, Сизга шахсан ўз номимдан, барча қозоғистонликлар, мамлакатимиздаги кўпдан-кўп дўстларингиз номидан Ўзбекистон Республикаси Президентидек сермашаққат ва масъулиятли лавозимда муваффақиятлар тилайман.

Бутун Ўзбекистон халқига, Сизга, қариндошларингиз ва яқин кишиларингизга бахт-саодат тилайман!

Самимий дўстингиз,

**Нурсултон НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*Қ А Р О Р И*

## Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида

***Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилиниши ҳолларига йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва республика Прокуратураси томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар кўпчилик ҳолларда зарур самара бермаётир.***

***Экинларнинг пайҳон қилиниши туфайли ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг сезиларли даражада нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда.***

***Экинларни сақлаш билан боғлиқ вужудга келган аҳвол хўжаликлар раҳбарларининг экинларни сақлаш муаммоларига етарли эътибор бермаётганликлари, баъзан эса, ушбу муаммолардан ўзларини четга олаётганликлари, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари, республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан уларга нисбатан талабчанлик бўшаштириб юборилганлиги оқибатидир.***

***Мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилиниши ҳолларига йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олишга доир ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И:***

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда хўжаликлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида” 1994 йил 21 ноябрдаги Фармони талабларини бажаришга доир ишлари етарли эмас деб ҳисоблансин.

Улардан қишлоқ хўжалиги экинларининг сақланишини таъминлаш юзасидан шошилинч чора-тадбирлар кўриш талаб этилсин. Ушбу мақсадларда:

экинзорларда мол боқиш ва уларни ҳайдаб ўтиш, экинзорлардан автотранспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникаси ўтиши ҳолларига, шунингдек, экинларнинг нобуд бўлиши ва пайҳон қилинишига олиб келувчи бошқа салбий ҳаракатларга қарши курашни кучайтирсинлар;

қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда экинларни пайҳон қилиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича мунтазам равишда қўшма рейдлар ўтказсинлар. Пайҳон қилиниши мумкин бўлган жойларда кузатув постлари ўрнатсинлар. Дала қоровуллари ишлари самарадорлигини оширсинлар;

экинларни пайҳон қилиш ҳоллари аниқланган тақдирда моллар, автотранспорт, қишлоқ хўжалиги техникаси ёки экинларни зарарлантириш ва пайҳон қилишнинг бошқа воситалари эгаларига нисбатан тезкор чоралар кўрсинлар. Айбдорларни республика қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиш учун материалларни тегишли органларга берсинлар.

2. Белгилансинки, пайҳон қилинган жойларда олиб қўйиладиган моллар мол эгаларини аниқлаш, кейинчалик уларни жавобгарликка тортиш учун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Алматов) қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилинишига йўл қўймасликка ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин. Ушбу ҳолатларга қарши курашни фаоллаштириш учун тегишли бўлинмалар ва хизматларни жалб этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Худойқулов), Ички ишлар вазирлиги (Алматов) мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжаликлар ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига нисбатан экинларни пайҳон қилиш ва зарарлантиришнинг аниқланган ҳоллари бўйича кескин чоралар, шу жумладан, уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш чораларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси (Худойқулов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида” 1994 йил 21 ноябрдаги Фармонининг бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин, унинг сўзсиз бажарилиши учун мансабдор шахсларга нисбатан талабчанликни оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Мирсафоев) экинлар пайҳон қилинганлиги учун жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш юзасидан кенг тушунтириш ишлари ташкил этилишини таъминласин.

7. “Ўзтелерадио” компанияси (Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (Муҳаммад Дўст), оммавий ахборот воситалари ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминласинлар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси экинларни ва кўчатларни пайҳон қилиш ва зарарлантиришга қарши кураш олиб бориш бўйича ишлар аҳволини 2000 йилнинг февралида биргаликда пухта кўриб чиқсинлар, унинг самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ йўналишларни белгиласинлар. Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Олимжонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 12 январ.

***Ҳадия МИРАҲМАДИ,***
***Олий ислом кенгаши аъзоси (АҚШ):***

## «Халқингизнинг ўз раҳнамосига ихлоси юксак эканлигига амин бўлдим»

**— Мираҳмади хоним, Сиз Американинг ислом дини уламолари вакили сифатида бу муқаддас диннинг қадимий марказларидан саналган Ўзбекистон диёрига ташриф буюрдингиз. Исломга эътиқод қилувчи америкаликлар билан Ўзбекистон мусулмонлари ўртасида қандай ўхшаш жиҳатлар ва фарқларни ўзингиз учун кашф этдингиз?**

— Шуни алоҳида мамнуният билан қайд этаманки, бу икки мамлакатнинг ислом динига эътиқод қилувчилари ўртасидаги асосий фарқ бу юртингизда саводхонлик даражасининг ғоят юқори эканлигидир. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон Америка Қўшма Штатларидан олдинда туради.

Биз қатор диний мадрасалар ва мактабларда ҳамда Ислом Университетида бўлдик. Ушбу илм даргоҳларида диний ва дунёвий билимларни чуқур ўзлаштирган талабалар таҳсил олаётганликларининг бевосита шоҳиди бўлдим. Албатта, бу Ислом Каримов раҳнамолигида исломий қадриятларни қайта тиклаш борасида олиб борилаётган оқил сиёсат самараси эканлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлайман.

Мен халқингизнинг ислом динига ихлос билан эътиқод қилиши, бу динни чуқур талқин этиши ва уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашидан қалбан таъсирландим. Биз, америкалик мусулмонлар ислом қадриятларини сақлаб қолиш учун ўз юртимизда доимо куч-ғайратимизни сарф этиб келмоқдамиз. Айни пайтда муқаддас динимизнинг қадимий марказини, кўплаб машҳур дин арбобларининг ватани бўлмиш Ўзбекистонни зиёрат қилиш, бу юртда исломни муқаддас билган, уни покиза сақлаётган инсонлар орасида бўлиш мен учун унутилмас хотирадир.

**— Сиз Ўзбекистонга айни пайтда халқаро кузатувчи сифатида ташриф буюрдингиз. Бўлиб ўтган Президент сайловининг қайси муҳим жиҳатларини қайд этиб ўтишингиз мумкин?**

— Умуман олганда, сайловларнинг кўпгина жиҳатлари менда катта таассурот қолдирди. Аввалaмбор, сайловнинг юқори савияда ташкил этилганлиги, овоз бериш жараёнининг ғоят омилкорлик ва уюшқоқлик билан ўтганини қайд этиб ўтмоқчиман. Биз қатор сайлов участкаларига бордик ва сайлов бюллетенларида сайловчиларнинг исмлари, рақамлари, овоз бериш кўрсатмалари аниқ баён этилганига амин бўлдик. Бу юксак даражадаги тайёргарлик бизни ҳайратга солди.

Сайловнинг бошқа муҳим жиҳатларидан бири унинг тенглик асосида ўтганидир. Сайлов участкаларига ташрифимиз чоғида уларнинг кўпчилигида аёллар сайлов комиссияси аъзолари эканлигининг шоҳиди бўлдик. Ислом кўрсатмаларида қайд этилган аёллар эркинликлари ва тенг ҳуқуқлари мамлакатингиз ҳаётининг ҳар бир жабҳасида, шу жумладан, сайловлар давомида ҳам ёркин намоён бўлди.

Шу билан бирга, сайловларнинг биз кузатган энг асосий хусусияти бу ўзбекистонликларнинг ўз Президентига бўлган чексиз садоқати ва муҳаббатидир. Одатда сайловлар даврида дунёнинг кўплаб мамлакатларида зиддиятлар, кескинликлар кузатилади. Лекин мамлакатингизнинг ҳар бир сайловчиси кўзидаги қувончни кўриб, халқингизнинг ўз раҳнамосига ихлоси нақадар юксак эканлигига амин бўлдим.

Президент Каримовнинг сайловчиларнинг 90 фоизидан зиёд овозини олиб ғалаба қозонганлигининг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Зеро, Ўзбекистоннинг қайси вилоятига борманг, қайси инсон билан суҳбатда бўлманг, фуқароларнинг Президент Каримовни юксак даражада қўллаб-қувватлашларининг шоҳиди бўласиз. Демакки, халқ ўзининг муносиб раҳбари учун овоз берди.

**Суҳбатдош:**
**Мардон ЁҚУБОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

## МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Қиш деҳқон учун бекорчилик эмас, балки айни келгуси ҳосил тараддуди кўриладиган фасл. Бу йил Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш учун 45 минг гектар майдонда шўр ювиш ишлари режалаштирилган. Айни вақтда вилоят бўйича кунига 1400-1500 гектар ерда ана шу муҳим агротехника тадбири амалга оширилмоқда. Зафаробод, Дўстлик, Пахтакор туманлари деҳқонлари бу борада пешқадамлик қилмоқда.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## МАЛИКЧЎЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Кейинги йилларда Ўртачўл ва Маликчўл ҳудудларини ўзлаштириш, бу ерларда фермер хўжаликларини ташкил этиш, чўлқуварлар учун қулай шароит яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар биринчи галда маданий-маиший масалаларни ҳал этишдан бошланди. Жумладан, Навоий туманидаги Маликчўл зонасида жойлашган “Фарҳод” қишлоғига газ олиб келинди. Бу ердаги хонадонлар “зангори олов”дан баҳраманд бўлди. Шу мақсадда 6,5 километр масофага газ қувурлари тортилди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВни



янги муддатга Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланганлиги муносабати билан муборакбод этамиз.

Мамлакатда иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини ва халқ турмуши даражасини оширишда ҳамда демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги мақсадларга эришишда куч-қувват, мустаҳкам соғлик, барқарор тинчлик ва зафарлар тилаймиз.

BRITISH AMERICAN TOBACCO UZBEKISTAN

Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон

Has@2468




Has@2472

Чуқур ҳис-ҳаяжон ва қониқиш ҳисси билан Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганликлари билан муборакбод этамиз.

*Бевосита у кишининг бошчилигида республика сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда улкан ютуқларга эришди, халқнинг турмуш фаровонлиги юксалди, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеи мустаҳкамланди. Ўзбекистоннинг эртанги куни янада порлоқ, халқлари ҳаёти осойишта, бахтли ва фаровон бўлиши учун зўр ғайрат билан меҳнат қиламиз.*

«Гуфик — Авиценна» қўшма корхонаси

Has@2470

# ОЛАМГА БИР НИГОҲ

## ЛОТИН АМЕРИКАСИДА НИМА ГАП?

Эквадор ҳукумати тўла таркибда истеъфога чиқди. Мамлакат Президенти Жамил Мауад шуни маълум қилар экан, яқин кунларда Вазирлар маҳкамасининг янги таркибини эълон қилишини айтди.

Эквадорнинг нуфузли сиёсий партиялари, жамоат ташкилотлари нафақат ҳукумат, балки Президентнинг ўзи ҳам истеъфога чиқиши керак, демоқда. Шунингдек, улар парламент ҳамда Олий судни ҳам тарқатиб юборишни талаб қилаётир. Эквадорликлар амалдаги давлат раҳбари юритаётган сиёсатдан норози. Ж.Мауад 1998 йилнинг август ойида Президент этиб сайланган бўлса, шу пайтгача айтарли бирор каромат кўрсаттани йўқ, аксинча иқтисодиёт борган сайин инқирозга юз тутмоқда, демоқда улар.

Миллий валюта эса кун сайин қадрсизланиб бораётир. Ўтган йилнинг охирига келиб сукренинг инфляцияси 65 фоиздан ошди. Маълумотларга қараганда, аҳолининг 65 фоизи ночор аҳволда кун кечиради.

Шунингдек, Венесуэлада ҳам аҳвол яхши эмас. Бу ерда Демократик ҳаракат партияси (ДҲП) йирик сиёсий кучлардан бири ҳисобланади. Душанба куни ушбу партия раҳбарияти тўла таркибда истеъфога чиқди. Партия эса вақтинчалик сиёсий майдонни тарк этди. Шу боис ДҲП март ойида бўладиган умумхалқ сайловларида қатнашмаслиги ҳам мумкин. Унинг етакчиси Тимотео Самбрано шу ҳақда маълум қилар экан, раҳбарият истеъфоси ва партиянинг вақтинча ўз фаолиятини тўхтатиши қайта оёққа туриб олиш учун катта имконият эканини таъкидлади.

Гап шундаки, 40 йил мобайнида ҳукмронликни қўлдан бермай келаётган ДҲП 1998 йилдан бошлаб муваффақиятсизликка юз тутди. Конституцион ассамблея учун ўтган сайловларда партиянинг атиги биргина вакили ғалаба қозонди, холос.

Лотин Америкаси давлатларидан яна бири Колумбияда ҳам нотинчлик ҳукм сурмоқда. Бу ерда ҳукумат армияси ва исёнчи гуруҳлар ўртасида яна жанжал чиқадиганга ўхшайди. Колумбия мудофаа вазири Луис Фернандо Рамирес исёнчилар мамлакат қуролли кучларига қарши яна жангга шайланаётганини айтди.

Ҳақиқатан, яқинда Колумбия инқилобий-ҳарбий кучлари раиси Иван Риос ўзаро келишув битимини бекор қилишини маълум қилганди. Бу эса ҳали уруш олови сўнмаганидан далолат беради.Риоснинг айтишича, 13 январ куни исёнчилар етакчилари билан ҳукумат вакиллари ўртасида музокаралар бўлиб ўтади.



*Франция: Тулуза шаҳрининг кўриниши.*

### АЛОҚАЛАР ҚАЙТА ТИКЛАНАДИ

Япония Шимолий Корея билан ҳар томонлама дипломатик алоқаларни қайта тиклашга тайёргарлик кўрмоқда. Ҳукумат расмий вакилининг маълум қилишича, икки мамлакат ўртасидаги музокаралар жорий йилнинг март ойида бошланиши мумкин.

Япония билан КХДР ўртасидаги дипломатик муносабатлар иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида бузилган эди.

### ЭПИДЕМИЯ ХУРУЖ ҚИЛАЁТИР

Норвегияда етакчи ҳисобланган “Уллевол” шифохонаси мамлакатда грипп эпидемияси тарқалганини маълум қилди.

Ўтган дам олиш кунларининг ўзида мазкур шифохонага режалаштирилганидан ташқари, яна 110 нафар бемор келтирилган. Шифохона беморлар билан тўлиб кетган, келтирилаётганлар хоналарга сиғмагани боис ҳатто йўлакларга жойлаштирилаётир. Бундан ташқари, шифохонада ҳамширалар етишмаётгани ҳам катта муаммо бўлиб турибди. Хабарларга кўра, бунга уларнинг кўпроқ маош топиш илинжида бошқа жойларга ишга ўтиб кетаётгани сабаб бўлаётир.

### АҚИДАПАРАСТЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Ироқ полицияси йигирмага яқин кишини ўлдирган диний ақидапарастлар гуруҳини қўлга олди. Мазкур жиноятчилар Тигр дарёси қирғоғида турли вақтларда қотиллик содир этган.

Полиция маҳкамаси хабарига кўра, дастлабки қотиллик ўтган йилнинг октябр ойида юз берган. Ўшанда коллеж талабаси отиб ўлдирилган, бироқ бу жиноят полиция томонидан ошкор этилмай қолган эди. Шу боис кўпчилик ёшлар дарё соҳилида учрашиб, сайр этишда давом этаверган, жиноятчилар эса одам ўлдиришни тўхтатмаган.

### ҚИШ ҚАТТИҚ КЕЛДИ

Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида қиш қаттиқ келди. Аёз ҳатто одамларнинг ўлимига сабаб бўлаётир. Маҳаллий матбуотнинг хабар беришича, сўнгги ўн кун ичида 92 киши совуқдан қурбон бўлган. Ўтган куннинг ўзида эса 24 киши ҳаётдан кўз юмган.

### БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЯКУНЛАНДИ

АҚШда Исроил Бош вазири Эҳуд Барак ва Сурия ташқи ишлар вазири Фаруқ Шароа ўртасида икки мамлакат алоқаларини барқарорлаштириш мақсадида ўтказилаётган музокаранинг иккинчи босқичи якунланди. АҚШ давлат департаменти расмий вакили Жеймс Рубиннинг маълум қилишича, томонлар музокараларни 19 январ куни давом эттиришга келишиб олган. Бироқ унинг қаерда ўтказилиши ҳали маълум эмас.

### ҚИРОЛИЧА ЮЗ ЁШДА

Буюк британияликлар ўртасида катта ҳурматга эга бўлган она-қиролича Елизавета шу йилнинг тўртинчи августида 100 ёшга киради. Шу муносабат билан мамлакатдаги махсус дўконларда унинг шарафига чиқарилган беш фунтлик танга пул сотила бошлади. Танга мис-никел қоришмасидан тайёрланган бўлиб, унда она-қироличанинг сурати ва “1900-2000” рақамлари туширилган. Май ойида танганинг олтин ва кумушдан ишланган худди шундай нусхаси сотувга чиқарилади.

Нима? Қачон? Қаерда?

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

Австралияда Осиё-Тинч океани парламенти форуми бошланди. Унда 23 мамлакатдан келган вакиллар иштирок этмоқда.

* * *

Озарбойжон президенти Ҳайдар Алиевнинг Туркияга ташрифи ниҳоясига етди.

* * *

Япония Бош вазири К.Обутининг Жануби-шарқий Осиё давлатлари бўйлаб олти кунлик сафари бошланди.

* * *

“Халқаро амнистия” ҳуқуқий ташкилоти Конго демократик республикаси (КДР) ҳукуматини инсон ҳуқуқларини оммавий равишда бузаётганликда айблади.

* * *

Швейцариянинг Цюрих шаҳридан Дрезден шаҳрига йўл олган “Кроссэр” авиакомпаниясига қарашли “СААБ-340” русумли самолёт ҳалокатга учради.

* * *

Эстония меҳнат департаментининг маълумотларига кўра, мамлакатда ўн олти ёшдан юқори бўлган аҳолининг ҳар йигирматадан биттаси иш қидириш билан овора.

* * *

10 январ куни Венгрия ҳудудида темир йўл алоқаси тўхтатиб қўйилди. Венгриялик темир йўлчилар уч кунлик иш ташлаш эълон қилди.

* * *

Ўтган йили Вьетнам йигирмата давлатга 4,5 миллион тонна гуруч экспорт қилди. Унинг қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан ошади.

* * *

Хитой божхона полициячилари ўтган йили контрабанда фаолияти билан шуғулланган 3 мингга яқин кишини ҳибсга олган.

* * *

Туркия қирғоқлари яқинида изсиз йўқолган Украинанинг АН-28 самолётини қидириш ишлари давом этмоқда.

* * *

Ҳиндистон хавфсизлик хизмати Бош вазир, ички ишлар вазири ҳамда кўплаб етакчи раҳбарларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар кўришга қарор қилди.

* * *

Гавана бандаргоҳида Россияга тегишли “Саратога” кемасида катта ёнғин чиқди.

**ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

**Муҳтарам ўқувчи, ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган йил 17 декабр сонида «Жиззахда заправка қилдингизми? Ёхуд фолбин усталар хусусида» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда автомат ёнилғи қуйиш шохобчаларидаги ҳам энидан, ҳам бўйидан уриб қолаётган ноинсоф ходимлар ҳақида, шахсий манфаати йўлида бензинга бўлар-бўлмас нарсалар қўшиб, унинг сифатига жиддий путур етказаётганлар ҳамда машина эгаларининг норозиликлари ҳақида сўз борарди.**

## ВАЗИФАЛАРИДАН ОЗОД ЭТИЛДИЛАР

Газетанинг танқидий чиқишига «Жиззахнефтмаҳсулот» корхонасидан жавоб мактуби олинди. Корхона директори жаноб Ш. Низомов имзо қўйган хатда таъкидланганидек, мақола директорлар кенгаши йиғилишида нефтбаза, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва вилоят ҳудудий хусусий АЁҚШлар уюшмаси ҳамда хусусий АЁҚШ раҳбарлари ўртасида муҳокама қилинган. Мақолада баён этилган нуқсонлар ҳақиқатан ҳам корхонага қарашли ва хусусий АЁҚШларда мавжудлиги йиғилишда алоҳида қайд этилди.



«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Йиғилишда ушбу масала юзасидан Жиззах нефть базаси раҳбари С. Шокиров ва сифат масаласига масъул раҳбар ходимларнинг ҳисоботи эшитилди. Юқоридаги қўпол камчиликларга йўл қўйилганлиги, истеъмолчиларга чиқарилаётган автобензиннинг сифатини ва харидорларга маҳсулот сотиш масалаларини назорат қилмаганлиги ҳамда ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун вилоят корхонаси директорлар кенгашининг йиғилиш қарорига биноан вилоят корхонаси «Нефтмеъёр» бўлими бошлиғи Норбўта Турсунмуродов, АЁҚШлар назорат бўлими бошлиғи Шарофиддин Бахриддинов ва Жиззах нефтбазаси директори Султон Шокировларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддаси 2-бандига асосан ўтган йили декабр ойи иш ҳақига нисбатан 40 фоиз миқдорида жарима солинди. Улар келгусида юқоридаги камчиликлар такрорланса, вазифасидан озод қилинишлари ҳақида огоҳлантирилди.

Жиззах нефть базаси катта оператори Ғофир Бозоров, лаборатория мудири Улуғбек Маҳаммадов ва лабораторияга намуна олувчи Тоҳир Бургутовлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 4-бандига биноан эгаллаб турган вазифаларидан озод қилинди.

Корхонага қарашли барча нефть базалари, АЁҚШларда сифат масалаларини доимий равишда назорат қилиб бориш мақсадида вилоят корхонасининг масъул ходимлари нефть базалари ва АЁҚШларга бериктилди. Шунингдек, сифат бузилишларининг олдини олиш мақсадида, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча АЁҚШларга нефть маҳсулотлари «Жиззахнефтмаҳсулот» корхонасига қарашли бензокашлар орқали етказиб берилиши йўлга қўйилди.

Истеъмолчиларга чиқарилаётган нефть маҳсулотларининг сифати ва уларни белгиланган нархларда сотиш масалалари вилоят корхонасининг доимий назоратига олинди.

